

---

Деҳқонобод маҳалласи ёшлари учун 330 ўринли замонавий мактаб биноси ва спорт зал байрам соғаси сифатида топширилди

Ўзбекистон тумани “Деҳқонобод” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 70-умумтаълим мактаби учун 330 ўринли янги ўқув биноси ва замонавий спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тантанали тадбирда туман ҳокими Шерзоджон Юлдашев, сектор раҳбарлари, вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи Шерзод Долимов, мактаб жамоаси, ўқувчилар, уларнинг ота-оналари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

1979 йилда собиқ давлат хўжалиги томонидан ҳашар йўли билан қурилган мактабнинг мослаштирилган биносида ўтган давр мобайнида фойдаланиб келинган. Бу эса ўз ўзидан ўқувчиларни муносиб шароитда таҳсил олишида кўплаб ноқулайликларни келтириб чиқарган.

Давлат инвестиция дастури асосида 4 миллиард сўмдан зиёд маблағ эвазига мактаб учун 3 қаватли 300 ўринли янги ўқув биноси ҳамда 12х24 ҳажмдаги спорт зали бунёд этилиб, замонавий жиҳозланди.

Янги ўқув биносида яратилган шароитлар билан танишиш жараёнида меҳмонлар ўқувчилар билан суҳбатлашди. Ёшларимизга яратилаётган бундай имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда чуқур билим олиб, келажакда етук мутахассис ва комил инсон бўлиб етишларига тилаклар билдирилди.

2024-12-19 18:59:49